ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

**Қўлёзма ҳуқуқида**
**УДК 821.512.133.092 Муҳаййир**

**ДЕҲҚОНОВ АКРАМЖОН ҚОДИРОВИЧ**

# МУҲАЙЙИРНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ

**10.01.03 – Ўзбек адабиёти тарихи**
**10.01.11 – Адабий манбашунослик ва матншунослик**

Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация

**А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

Тошкент – 2007

Тадқиқот ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи бўлимида бажарилган

Илмий раҳбар: Ўзбекистон Республикаси Фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати, филология фанлари доктори, профессор **А. АБДУҒАФУРОВ**

Илмий маслаҳатчи: филология фанлари номзоди **С. РАФИДДИНОВ**

Расмий оппонентлар: филология фанлари доктори **Н. ЖАББОРОВ**

филология фанлари номзоди, доцент **Р. ТОЖИБОЕВ**

Етакчи илмий муассаса: **ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи**

Диссертация ҳимояси 2007 йил декабрь ойининг 12 куни соат 14⁰⁰ да Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги Д 015. 04. 01 рақамли фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Бирлашган ихтисослашган кенгаш йиғилишида ўтказилади.

Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, И. Мўминов кўчаси, 9-уй.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин.

Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, И. Мўминов кўчаси, 13-уй.

Автореферат 2007 йил ноябрь ойининг 8 кунида тарқатилди.

Бирлашган ихтисослашган кенгаш илмий котиби, филология фанлари доктори, профессор **М. ЖЎРАЕВ**



# ТАДҚИҚОТНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Мустақиллик шарофати туфайли халқимиз тарихини ўрганишда янги давр бошланди. Хусусан, миллий қадриятларимизнинг ўзагини ташкил қиладиган мумтоз адабиётимиз тарихини тадқиқ этишда ҳам янги-янги уфқлар кўринди. Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек: "Халқнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси минг йиллар давомида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган... Миллий тарихимиз ва умумбашарий тараққиёт ривожига унутилмас ҳисса қўшган олиму фузалоларнинг мафкура ва унинг жамият ҳаётидаги аҳамияти ҳақида қолдирган илмий мероси, фалсафий қарашларини ҳар томонлама ўрганиш даркор... Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди".[1]

Маълумки, XIX асрнинг иккинчи ярми ўзбек халқи ҳаётидаги энг мураккаб даврлардан бири бўлди. Бир томондан, чор Россиясининг Ўрта Осиёга юриши ва ерли халқларнинг миллий-озодлик ҳаракатлари, иккинчи томондан, маҳаллий ҳукмдорларнинг ўзаро жанжаллари халқнинг иқтисодий ва маданий ҳаётида ўз изини қолдирди. Барча даврларда бўлганидек, шундай долғали замонда ҳам халқ орасидан Муҳаммад Аминхўжа Муқимий, Зокиржон Фурқат, Убайдулло Завқий каби атоқли шоирлар, шунингдек, Муҳйиддин Муҳйи, Муҳаммад Юсуф Баёний, Нодим Намангоний, Муҳаммадқул Муҳаммадрасул ўғли Муҳаййир, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий каби кўплаб истеъдодли ижодкорлар етишиб чиқди.

Ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб адабиёт тарихини даврларга бўлиб ўрганиш, шунингдек, муайян адибларнинг ҳаёти ва ижоди бўйича кўламли тадқиқотлар олиб борилди. Жумладан, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида яшаб ўтган кўплаб шоирларнинг ҳаёти ва ижоди махсус тадқиқ қилинди.[2] Лекин айрим адибларнинг шоирлик маҳорати ва салмоқли ижодий мерос қолдирғани эътироф этилгани ҳолда, уларнинг ҳаёти ва ижоди турли сабабларга кўра махсус ўрганилмади. Мана шундай ижодкорлар сирасига қўқонлик истеъдодли зуллисонайн шоир Муҳаммадқул Муҳаммадрасул ўғли Муҳаййир ҳам киради.

Бугунги кунда кўп асрлик адабиётимиз тарихининг мутлақо ўрга-

---

[1] Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Тошкент: Ўзбекистон, 1998. - Б. 524-536; Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. - Тошкент: Ўзбекистон, 1998. - Б. 12.

[2] Каримов Ғ. Ўзбек демократ шоири Муқимий ва унинг даври адабиёти. Филол. фанлари док... дисс. -Тошкент, 1961; Шу муаллиф: Муқимий. Ҳаёти ва ижоди. - Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1970; Холид Расул. Фурқат. Танқидий-биографик очерк. - Тошкент, 1959; Абдуғафуров А. Ўзбек демократик адабиётида сатира. - Тошкент: Ўзбекистон ФА нашриёти, 1961; Шу муаллиф: Муқимий сатираси. - Тошкент: Фан, 1976; Шу муаллиф: Зокиржон Фурқат (ҳаёти ва ижоди). - Тошкент: Фан, 1977; Юсупов Ш. Фурқат йўлларида.- Тошкент, 1984; Шу муаллиф: Хуфия қатламлар. - Тошкент, 1999; Раззоқов Ҳ. Завқий ҳаёти ва ижоди: Филол. фанлари номз... дисс. - Тошкент, 1953; Шу муаллиф: Завқийнинг ҳаёти ва ижоди. Тошкент, 1953; Халилбеков А. Нодим Намангонийнинг ҳаёти ва ижоди. Филол. фанлари номз... дис. - Тошкент, 1967; Раҳматова Д. Муқимий издошлари (Писандий, Ғурбат, Рожий). Филол. фанлари номз...дисс. - Тошкент, 1967; Ва бошқалар.

## RESUME


Thesis of Dekhkanov Akramjon Kodirovich on the topic "Life and Activity of Mukhair" for the academic degree competition of Candidate of philological sciencies on specializations 10.01.03 – History of Uzbek literature, 10.01.11 – Literatury source study and textual study

**Key words:** Mukhair, lifetime, new data, Kokand literary environment, literary heritage sources, divan, manuscript sources, thematic range, genre composition, poetical skill, social motives, tradition, artistic originality, Mukhair rubai, translations, "Arbain" in Mukhair's translation, "Masudi Saloti", original, language regularity.

**Subject of the inquiry:** life and literary heritage of Mukhair, manuscript divan of the poet, verses in anthology and translations.

**Aim of the inquiry:** Mukhair literary activity investigation on the basis of original sources, enlightenment of the poets lifetime and creative activity, definition of his hiritage in full scale, clearing out of Mukhair's poetical mastership and his translations' art, defining poet's place and role in the history of the Uzbek classical literature, traditions and novelty issues interpretation.

**Method of the inquiry:** historical – comparative method has been used.

**The results achieved and their novelty:** life and artistic heritage of Mukhair have been investigated on the basis of manuscript sources for the first time, his poetical heritage has been collected together and interpreted; ideal-artistic specificity and issues of the poet's artistic mastership have been also searched deep into. Comparative analysis of Mukhair's gazals with that of his contemporaries and fore-runner poets has been realized.

**Practical value:** results of the dissertation may be successfully used in creation of new points of literature history, investigation of the second half XIX – beginning of XXth century literature, study of the Kokand literary environment.

**Degree of embodiment and economical efficiency:** the main content of the dissertation has been published in papers and reports in different conferences and seminars of scientific – theoretical character.

**Sphere of usage:** investigations on history of the Uzbek classical literature, propaganda of spiritual-moral heritage of the Uzbek people.







Bosmaxonaga 06.11.2007 yilda topshirildi.
Bosishga 06.11. 2007 yilda ruxsat etildi.
Bichimi 60/84 $^{1}/_{16}$. Adadi 100 nusxa.
Buyurtma №56

«Nur poligraf» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Toshkent sh., Z. Qobilov k., 19-uy.